

“Ўзавтосаноат” АЖ Кузатув кенгаши мажлисининг
2022 й. “18” ОКТОБРдаги
16-2022 -сонли Баёнига
2-илова

**“ЎЗАВТОСАНОАТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА СИЁСАТИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат (кейинги ўринларда – Сиёсат) “Ўзавтосаноат” АЖда (кейинги ўринларда – Жамият) ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар ва умуман жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш мақсадида юксак хулқ-атвор стандартларига мувофиқлик, шунингдек лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида Жамият ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

1.2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига мувофиқ коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илғор дунё тажрибаси, жумладан ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият, Жамият назорати остидаги фаолият кўрсатадиган корхоналар, шунингдек, Жамият манфаатларида ва/ёки унинг номидан иш олиб боровчи барча шахслар томонидан юқорида қайд этиб ўтилган қонун ҳужжатларига, қонун ҳужжатларига риоя этилиши талаб этиладиган мамлакатларда мавжуд бўлган порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги барча қонунларга амал қилади. Жамият ҳар қандай шаклдаги порахўрлик ва коррупцияни қатъиян рад этади.

1.4. Жамият ўз фаолиятида доимо адолатли, ҳалол ва виждонан ишлайди. Жамият дунёнинг кўплаб мамлакатларида фаолият юритади, шу сабабли у порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва халқаро қонунларга, жумладан, АКШнинг “Чет элдаги коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Буюк Британиянинг “Порахўрликка қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа экстерриториал қонунларга бўйсунди. Жамиятнинг порахўрлик ва коррупция фаолиятига аралашини тегишли жавобгарликка олиб келиши, шунингдек, Жамият фаолияти ва обрўсига путур етказиши мумкин.

II. СИЁСАТНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ПРЕДМЕТИ, СОҲАСИ ВА МАҚСАДИ

2.1. Ушбу Сиёсат Жамият, ходимларга ва Жамиятнинг Бизнес ҳамкорларига нисбатан қўлланилади. Сиёсат ҳам давлат, ҳам хусусий сектордаги порахўрлик ва коррупция билан боғлиқ хавфларга нисбатан татбиқ этилади.

2.2. Ушбу Сиёсат порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги қонунларда белгиланган моддий-ҳуқуқий қоидаларни бекор қилмайди. Мазкур Сиёсат ва бошқа амалдаги сиёсатлар ҳамда процедуралар порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижро учун минимал мажбурий стандартларни ўрнатади ва шу билан ушбу соҳада рискларни бошқариш бўйича изчил ишлар ўтказилишини таъминлайди. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бундан юқори талаблар қўйилган бўлса, унда янада қатъий талабларга риоя қилиниши лозим бўлади.

2.3. Қуйидагилар Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади ҳисобланади:

- Жамият ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;
- Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;
- Жамиятнинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;
- аҳолининг Жамиятнинг фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- Жамият ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва ҳулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш;
- коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;
- Жамиятда мавжуд коррупцияга барҳам бериш.

2.4. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар Жамиятнинг барча ходимлари учун бирдек амал қилади.

2.5. Жамиятга ишга қираётган ҳар қандай шахс мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишишлари, унинг қонун-қоидаларига риоя қилиниши лозим.

III. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар - Жамият ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган микдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Жамият ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган, Жамият ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ ҳаражатлар ва ҳ.к.;

Бизнес ҳамкор / контрагент – Жамият билан шартномавий муносабатларига (меҳнат муносабатларидан ташқари) киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс (Бизнес ҳамкорни контрагент, етказиб берувчи, дистрибьютор, дилер ёки Жамият номидан ва унинг манфаатларини учун ҳаракат қилишга ваколатли бошқа учинчи шахсни мисол келтириши мумкин);

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий хавф-хатар – Жамият ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкрий ҳуқуқлар, мулкрий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Жамиятда коррупцияга қарши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Жамият ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва ҳуқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

кронизм (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

мансабдор шахс:

доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган

ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга

эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс,

халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

манфаатлар тўқнашуви — Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

маҳаллийчилик – маҳаллий манфаатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

уруғ-аймоқчилик – Жамият ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноқолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – Жамият ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши. Жамиятда

кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, муружаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия килувчилар) нинг ташкилот учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий бегараз ёрдами;

халқаро ташкилот – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

ҳодим – Жамият билан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс (Жамият бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, таркибий тузилмалар бошликлари (раҳбарлари) ва бошқа ишчилар);

ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (ҳомийлар) томонидан Ташкилот (ҳомийлик қилинаётган муассасалар) га улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Жамият муассасаларида ҳомий олдида ўзаро мажбуриятлар юзага келади;

шафелик – Жамият ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.

Қадрият/ Қийматга эга бирон-бир нарса - фойданинг ҳар қандай, жумладан, пул маблағлари, бадаллар, пул эквивалентлари, кредитлар, совғалар, совринлар, меҳмондорчилик, сафарлар, кўнгилочарлик, маҳсулотлар намуналари, сиёсий бадаллар, хайрия эҳсонлари, ишга жойлаш бўйича таклифлар, стипендиялар, келажакда ишга жойлаш бўйича ваъдалар, молиявий ёрдам билан чекланмаган ҳолдаги шакли.

Порахўрлик - кейинчалик фойда ёки устунликни олиш ёки сақлаб қолиш учун бировнинг хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиш ниятида қимматбаҳо нарсанини бериш, таклиф қилиш, ваъда қилиш, қабул қилишга рухсат бериш, тама қилиш ёки олиш (ёки бериш, таклиф қилиш, ваъда қилиш, рухсат бериш, илтимос қилиш ёки олишга уриниш).

Давлат хизматчиси:

давлат идорасининг, шу жумладан конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар номидан иш юритадиган ҳар қандай мансабдор шахс ёки хизматчи;

халқаро ташкилот (масалан, Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) нинг номидан ваколат берилган ҳар қандай мансабдор шахси;
сиёсий партия аъзоси ёки сиёсий лавозимга номзод;
ҳар қандай сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс;
юқорида қайд этилган шахслардан бирининг яқин қариндошлари.

Сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс - амалдаги ёки собиқ юқори лавозимли амалдор, шу жумладан:

махаллий давлат ҳокимияти ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбари;

ҳукумат раҳбари, вазир (вазир ўринбосари);

парламент депутати ёки шунга ўхшаш қонун чиқарувчи орган аъзоси;

сиёсий партиянинг бошқарув органи (кенгаши) аъзоси;

Конституциявий суд, Олий суд судьяси ёки бошқа даражадаги суд органининг судьяси (суд органи аъзоси);

олий тафтиш (аудиторлик) ташкилоти кенгаши ёки бошқарув аъзоси;

Марказий банк кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;

элчи (консул);

инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ёки бизнес омбудсман;

катта лавозимдаги ҳарбий офицер;

давлат улуши бўлган Жамият кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;

халқаро ташкилот раҳбари.

Давлат ташкилоти:

давлат идораси, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар;

ҳар қандай сиёсий партия;

ҳар қандай халқаро ташкилот (Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби).

IV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛЛАРИ

Коррупцияга қарши кураш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

қонунийлик - Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор дунё тажрибаси, шунингдек Жамият ички ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) – Жамият ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз (тоқатсиз) муносабатда бўлади. Жамият ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик - Жамият ходимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Жамиятда қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш

(махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Жамиятнинг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилиши;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамият ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш - Жамият коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш - Жамиятнинг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун ҳудудий бошқарма ёки унинг тасарруфидаги муассаса раҳбари ҳамда Жамият раҳбарига ҳеч қандай тўсиксиз мурожаат қилиши мумкин;

фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорли - Жамият ўзига юклатилган функцияларни бажаришда уларнинг фаолияти устидан мустақил ва ҳолис назоратни амалга ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб қилади;

мониторинг, таҳлил ва баҳолаш – Жамият даврий асосда коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти мониторинги ва таҳлилинини амалга оширади, шунингдек унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди.

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Жамиятда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чоралари кўрилади.

V. СИЁСАТ МАЗМУНИ

1. Ходимлар ва Бизнес ҳамкорларга ҳар қандай шахсга у билан бизнес алоқалар туфайли бизнес имкониятларини олиш ёки сақлаб қолиш ёхуд Жамият учун ғайриқонуний устунликка эга бўлиш мақсадида (тўғридан-тўғри ёки воситачи орқали) ноқонуний равишда пул маблағлари ёки қимматбаҳо нарсаларни и тақлиф этиш, ваъда қилиш, тақдим этиш ёки ўтказишга руҳсат бериш тақиқланади.

2. Жамиятга ва унинг Ходимларига:

⊕ Жамият учун бизнес имкониятларини олиш ёки саклаб қолиш ёки гайриконуний устунликни олиш учун ҳар қандай шахсларга пора бериш;

⊕ ҳақиқий ёки мумкин бўлган порахўрлик ёки коррупция фаолияти белгиларига эътибор бермаслик;

⊕ уларнинг Жамият номидан фаолият олиб боришида мустақил фикрларига таъсир қилиши мумкин бўлган кадриятларни талаб қилиш ёки қабул қилишлари тақиқланади.

VI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-§ Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

1. Жамият ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ва Жамият тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

2. Жамият ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим.

3. Жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисида ички идоравий ҳужжатда белгилаб қўйилади.

4. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун самарали назорат тартиб-таомиллари Жамият ходимларининг учинчи шахслар билан ўзаро алоқаси рўй берадиган барча функцияларга жорий этилиши лозим (масалан, танлов савдоларини ташкил қилиш, рейтингларни ҳисоблаш ва ҳ.к.).

2-§ Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш

Жамият ходимларига хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар олиш тақиқланади. Бундан ходимлар томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг ёки Жамиятнинг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

Жамият ходимлари хизмат сафарлари вақтида, шунингдек халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совғалар олиши мумкин.

Жамият ходими томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жамиятда ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

- совға олувчи учун манфаатлар тўкнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

- совға очик-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

- совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд айёми, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан беришга рухсат этилади;

- совғалар Жамиятнинг камида учта ходими иштирокида берилиши лозим;

- совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ходиса аниқ баён этилади;

- совғанинг умумий қиймати (барча солиқ ва йиғимлар билан бирга) базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим;

- Жамиятнинг бир ходими иккинчи ходимга совға олиш учун сарфлайдиган сумма миқдори ҳар ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробаридан ошмаслиги лозим.

3. Шубҳа (гумон)лардан холи бўлиш учун ҳар қандай байрамлар (жумладан, лекин чекланмаган ҳолда туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва ҳ.к) муносабати билан юқоридаги 1 ва 2-бандларда келтириб ўтилмаган бошқа давлат органлари ва Жамиятлари ходимлари, ҳамкорлар ва контрагентлар, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган юқоридаги 1-бандда санаб ўтилган совғалар ва моддий бойликлар олиш тақиқланади.

4. Жамият номидан халқаро конференциялар, симпозиумлар ва бошқа иш юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш раҳбар буйруғига кўра амалга оширилади.

5. Совға бериш, уни қабул қилишнинг қонунийлигида шубҳа туғилган тақдирда Жамият ходими Жамиятда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

3-§ Жамият ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши

1. Жамият ходимларининг халқаро ва бошқа Жамиятлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

- тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мос келса;

- тадбир Жамият ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

- тадбир Жамият ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказиётган лойиҳа-тадқиқот Жамиятига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

- тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Жамият ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

- тадбир умумэтироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келиши ҳамда кўнгилочар мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;

- тадбир моҳияти ва қийматига кўра ўринли бўлиши, ҳаддан зиёд ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий бўлмаслиги ва тез-тез такрорланиб турмаслиги лозим.

2. Агар ишбилармонлик тадбирлари (семинар, симпозиум, давра суҳбатлари ва х.к.) ташкилотчиси Жамият ўзи бўлса, у ҳолда бундай ишбилармонлик тадбири ушбу сиёсатда қайд этилган талабларга мос келиши лозим.

4-§ Кадрлар билан боғлиқ жараёни тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)

1. Жамият ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

2. Номзодларни Жамиятга танлаш ва тайинлаш жараёни Номзодларни Жамиятга қабул қилиш учун текшириш бўйича қўлланма ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартибига мувофиқ комплекс равишда текшириш билан бирга амалга оширилади.

3. Жамиятда ходимларга оид масалаларда қарор қабул қилувчи ходимларнинг лавозимини оширганда, лавозимга тайинланганда, кадрлар захирасига қўшганда ва х.к. ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.

4. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ танлов асосида ёки бошқа усул ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

5. Жамиятда ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоф ва Жамият ходимлари танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши лозим.

5-§ Текширувлар ўтказиш ва Жамият фаолиятини ўрганиш

1. Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишда (кейинги ўринларда – текширув объектлари) Жамият ходимлари:

- манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

- текширув, ўрганиш, мониторинг объекти текшируви ёки ўрганиши, мониторингини амалга оширишда текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари Жамият, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда текширув объекти билан хизматдан ташқари мақсадларда ёлғиз қолмаслиги;

- йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри

талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан кўрқитмаслиги;

- текширув, ўрганиш, мониторинг объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

- текширув, ўрганиш, мониторинг ўтказилишига асос бўлмаган ҳолатларга алоқадор ҳужжатларни сўраб олиш ва масалага таалукли бўлмаган ҳолатларга қизикмаслиги лозим;

- текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

- қоидабузарликларнинг видео ёки фотоқайдни амалга ошириши (ўрни келганда), Жамият томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни конфиденциаллиги таъминланган ҳолда сақлаш учун киритиши;

- агар текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Жамият ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган ёки таклиф этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича ишчи гуруҳ раҳбарига ва Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;

- текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакилларига Жамият ходимларининг ҳулқ-атвор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлиши шарт.

2. Жамият томонидан юқорида кўрсатилган тадбирлар ни амалга ошириш мақсадида ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозлар коллегиял тарзда кўриб чиқилади. Зарур ҳолларда комиссия ташкил этилиши мумкин.

Жамият томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

6-§ Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

1. Жамият мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

2. Контрагентлар билан муносабатларда Жамият қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.

3. Жамиятда объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очик ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

4. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Жамият:

Жамиятда контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончлилиги, жумладан у

Ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Жамият ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари қолибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

5. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва ҳ.к) Жамият ҳужжатларни кўриб чиқишнинг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида ушбу ваколатли давлат органларидан қарор қабул қилиш жараёни тўғрисида зарур маълумотларни, хусусан мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш асослари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қилади.

7-§ Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш

1. Жамият қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамни қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиклаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

2. Жамият томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Жамиятнинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

3. Жамият томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдамни олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамни олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;

бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;

Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.

4. Жамият номидан сиёсий ҳомийлик қилиш ва сиёсий партияларни молиялаштириш тақиқланади.

5. Ҳомийлик Жамиятнинг бизнес обрўсини (бренди ва нуфузини) мустаҳкамлашнинг асосий усуллари билан биридир. Бироқ Жамиятнинг ҳомийлиги ғайриқонуний устунликка эга бўлишга уриниш ёки эга бўлиш билан боғлиқ деб қабул қилинмаслиги ёки ҳисобланмаслиги керак.

6. Ҳомийлик фаолияти ёзма келишувлар асосида амалга оширилиб, унда хомийлик фаолиятини амалга оширадиган ташкилотчиларнинг мавжуд порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунларни бузадиган ҳаракатларни қилмаслик мажбурияти кўзда тутилган бўлиши лозим.

7. Ҳомийлик фаолиятига йўналтирилган барча маблағлар Жамият бухгалтерия китобларида ва ёзувларида аниқ ва равшан акс эттирилиши керак.

8-§ Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

Ички ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнида Жамиятнинг Комплаенс хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказди.

9-§ Жамият фаолияти соҳасига янги технологияларни эжорий этиши

1. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Жамият ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).

2. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишда Жамият ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимида бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.

10-§ Жамиятдаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси

1. Жамият биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида аудио ва видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Жамиятнинг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.

2. Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий сайтларида коррупция хавф-хатари юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляцияси жойлаштирилиши мумкин (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш, уларни тестдан ўтказиш, комиссиялар йиғилишлари ва ҳ.к.).

11-§ Давлат хизматчилари ва давлат ташкилотлари билан ўзаро алоқалар

1. Мазкур сиёсат ҳам давлат, ҳам хусусий сектордаги барча бизнес муносабатларига нисбатан қўлланилади. Шунга қарамай, давлат хизматчилари ва давлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда алоҳида эҳтиёткорлик талаб этилади, чунки улар кўплаб коидалар асосида тартибга солинади ҳамда порахўрлик ва коррупцияга алоқадор юқори хавф билан тавсифланади.

2. Жамият ва унинг ходимларига давлат хизматчисига бизнес имкониятлари ёки бошқа фойдани олиш, сақлаш ёки назорат қилиш учун расмий қарорларга ноқонуний таъсир ўтказиш мақсадида қимматбаҳо нарсаларни бериш тақиқланади.

12-§ Расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар.

1. Расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар бу давлат хизматчиси ўзининг одатий вазифалари доирасида бажариши лозим бўлган кундалик, дискрецион ҳисобланмаган хатти-ҳаракатларни бажаришга ёки тезлаштиришга ундайдиган тўғридан-тўғри ёки билвосита унга бериладиган тўлов шакли.
2. Жамият Ходимга расмиятчиликни соддалаштириш мақсадида миқдоридан қатъи назар, тўловларни амалга оширишни, шунингдек, бундай тўловларни яширишни ёки никоблашни тақиқлайди.

13-§ Таҳдидлар ва мажбурлаш

1. Баъзи ҳолларда пора мажбурлаш чораларини қўллаш орқали талаб қилиниши мумкин. Мажбурлаш шахсга нисбатан унинг хоҳишига қарши тўловни амалга ошириш ёки қимматбаҳо нарсаларни беришга мажбурлаш мақсадида зўравонлик, озодликдан маҳрум қилиш ёки шунга ўхшаш кўринишда ёки бошқа жисмоний таҳдиддан иборат бўлиши мумкин. Ушбу Сиёсатнинг мақсадлари учун иқтисодий босим (молиявий йўқотишларга олиб келадиган салбий таъсир таҳдиди ёки фаолиятнинг сустрлашиши) дан фойдаланиш мажбурлаш ҳисобланмайди.
2. Мажбурлаш чораларини қўллаш эҳтимоли жуда паст бўлишига қарамадан Жамият Ходимлардан мажбурлаш остида ўзларининг ёки учинчи шахснинг хавфсизлигини хавф остига қўйишини талаб қилмайди. Бироқ Жамият ўзига нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилаётган шахсдан Ходимларни химоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш ва бундай ходисаларнинг такрорланишига йўл қўймаслик мақсадида зудлик билан Комплаенс департаментига хабар беришини (иложи бўлса, воқеа тўғрисида ёзма ҳисобот тайёрлашни) талаб қилади. Мажбурий амалга оширилган тўловлар Жамиятнинг молиявий ҳужжатларида (яъни, китоблар ва кайдларда) аниқ акс эттирилиши керак.

14-§ Ижтимоий инвестициялар ва корпоратив ижтимоий масъулият

1. Жамият ўзи фаолият кўрсатаётган минтақалар аҳолиси олдидаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик мажбуриятларни эътироф этади ва тегишли ҳудудларда ижтимоий инвестициялар амалга оширилишига рухсат беради. Шу билан бирга, Жамият ижтимоий инвестициялар ёки хайрия эҳсонларига унинг таъсирини ноқонуний равишда ошириш ёки бошқа ноўрин ҳаракатларни амалга оширишга уриниш сифатида қаралмаслигини таъминлаши шарт. Хайрия олувчининг уни олишга қонуний ҳуқуққа эга бўлишига, шунингдек хайрия маблағлари бошқа фойда олувчиларга йўналтирилмаслигига эътибор бериш лозим.
2. Барча ижтимоий инвестициялар ва хайриялар Жамиятнинг амалдаги сиёсатлари ва процедураларига мувофиқ амалга оширилиши ҳамда шаффоф, асосланган бўлиши ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинishi керак. Нақд пул/ валюта ёки уларнинг эквивалентларини тўлаш (масалан, совға карталари) шаклида хайрия қилишга рухсат берилмайди.

15-§ Бирлашиш ва қўшиб олиш битимлари. Қўшма корхоналар

Жамиятни сотиб олиш, қўшма корхона ташкил этиш ёки улушга сармоя киритиш бўйича битимни баҳолашда Жамият сотиб олинаётган Жамият ёки Бизнес ҳамкорнинг фаолиятини улар томонидан илгари содир этилган коррупция учун жавобгарликка тортилиш хавфини чеклаш учун ўрганиши лозим. Ушбу иш, шунингдек, битим тузилгунига қадар тегишли комплекс текширувни ўтказишни ҳамда сотиб олишдан кейинги интеграция жараёнининг бир қисми сифатида амалга ошириладиган хатти-харакатларни белгилашни ўз ичига олади (агар битим тугалланган бўлса).

16-§ Ҳисобот ҳужжатлари ва ҳисобот бериш.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳужжатларига, жумладан, АҚШнинг “Чет элдаги коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (FCPA)га мувофиқ, Жамият ўз бухгалтерия китоблари ҳамда ёзувларини барча битимларни тўғри акс эттирадиган ва ҳеч қандай чалгитувчи ёки ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларга эга бўлмаган тарзда юритиши шарт.

2. Барча битимлар тўлиқ ва ҳар қандай тўловнинг мақсади ҳамда ҳажми аниқ кўринадиган тарзда қайд этилиши лозим. Бирон-бир мақсад учун ҳеч қандай яширин ёки қайд этилмаган пул жамғармалари ёки активлар яратилиши мумкин эмас. Жамиятнинг қайд ҳужжатларида ва ҳисоботларида бирон-бир мақсад учун нотўғри, чалгитувчи ёки ҳақиқатга мос келмайдиган ёзувлар киритилишига йўл қўйилмайди.

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича муҳим ички ҳужжатлар мавжудлиги

1. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини:

1. мазкур Сиёсат;
2. “Ўзавтосаноат” АЖнинг Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
3. “Ўзавтосаноат” АЖнинг Манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати;
4. “Ўзавтосаноат” АЖнинг алоқа каналлари орқали қоидабузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;
5. “Ўзавтосаноат” АЖда ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;
6. “Ўзавтосаноат” АЖнинг бизнес ҳамкорларини комплекс текшириш процедураси;
7. “Ўзавтосаноат” АЖга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;
8. “Ўзавтосаноат” АЖ коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
9. “Ўзавтосаноат” АЖда Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;
10. “Ўзавтосаноат” АЖнинг Хизмат текширувларини ўтказиш процедураси;
11. “Ўзавтосаноат” АЖнинг Бизнес ҳамкорларнинг одоб-ахлоқ кодекси;
12. “Ўзавтосаноат” АЖ Хайрия ва тижорат хомийлиги бўйича сиёсати;

13. “Ўзавтосаноат” АЖ Жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш сиёсати;
14. “Ўзавтосаноат” АЖ Санкциялар ва экспорт назорати сиёсати;
15. “Ўзавтосаноат” АЖ Совғалар, меҳмондўстлик, ўйин-кулги ва саёхат қилиш тартиби ташкил этади

2. Жамият раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.
3. Жамият раҳбари ва унинг ўринбосарлари, шунингдек Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил ҳулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.
4. Жамият раҳбари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари Жамият фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намоён қилади.

2-§ Корруциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш

1. Жамият ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширади.
2. Корруциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Корруциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Жамиятнинг раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Жамиятнинг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

3-§ Корруцияга қарши курашиш учун масъул

1. Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти ташкил этилади.
2. Жамиятда Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти ўз фаолиятини Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти тўғрисидаги низом асосида амалга оширади ва бевосита Жамият раҳбарига бўйсунди.
3. Жамият раҳбари Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментини Жамият коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.

4. Жамиятнинг Ходимлар билан ишлаш бошқармаси Жамиятнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги сиёсати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.

5. Жамиятнинг барча муассасаларида алоҳида Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолият юритади.

6. Жамиятдаги Одоб-ахлоқ комиссиялари Жамиятдаги ходимларнинг этик хулқ-атвор қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек Жамиятнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги сиёсатида белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

4-§ Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш

1. Жамият коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва жамият хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

2. Жамият барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги нормалари, шунингдек жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди:

- Жамият раҳбарияти томонидан электрон манзил ва бошқа алоқа воситаси орқали Жамиятда ходимлар томонидан коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

- Жамият ходимларини Жамиятда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

- Янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички ҳужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларни ташкил этиш;

- Жамиятдаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг қўшимча дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқув курслари/тренингларга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Жамиятнинг Кадрлар бўлимида сақланади;

- мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Жамият ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши кампаниялар ташкил қилиш;

- мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Жамият ходимларига маслаҳатлар бериш;

- тасдиқланган режа асосида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан Жамиятда коррупцияга қарши хулқ-атворни фаол тарзда тарғиб қилиш;

- Жамият ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш;

- Жамият мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Жамиятнинг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш;

- Жамият контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, хомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш.

3. Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Жамиятнинг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, хомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар Жамиятнинг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно). Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.

5-§ Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик

1. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул Жамиятда амалга ошириладиган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

2. Мониторинг ва назорат Жамиятда Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиётига ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- Жамият фаолияти функциялари ва ўзига хос жиҳатлари, унинг ташкилий-функционал тузилмаси ҳамда бошқа ташқи ва ички омилларидаги ўзгаришларнинг Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизими ва уни тўғирлаш зарурати, жумладан унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини таъминлашга таъсири таҳлили;

- Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият органлари тавсияларининг мониторинги;

- халқаро ва хорижий Жамиятларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

- оммавий ахборот воситаларининг Жамият ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Жамият контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

- самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Жамиятнинг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

- Жамиятнинг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

- Жамият ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

- Жамият ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш.

4. Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан Жамиятда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

5. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари яқунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатда мустақкамлаб қўйилади.

6-§ Жавобгарлик

1. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Жамиятнинг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёсат ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

2. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Жамиятнинг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

- ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Жамиятнинг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

- давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан Жамият манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний

тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

- расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

- порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

- Жамият ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

3. Ходимлар ўз раҳбари ва Жамиятнинг Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

4. Коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда Жамиятда ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича Жамиятда хизмат текширувларини ўтказиш бўйича процедура ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

5. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва/ёки Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган Жамият ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан катъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

6. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаменти уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради.

7. Ички текширувлар натижалари доимий равишда Жамият раҳбарига ва Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарларига тақдим этилади.

8. Жамият коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

VIII. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲАРАКАТЛАРГА ДОИР ХАБАРЛАР ВА МАСЛАҲАТЛАР

1. Жамият ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Жамиятнинг умумфойдаланувидаги алоқа каналлари орқали очик хабар берилиши мумкин.

2. Жамият ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3. Жамият ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъкиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

4. Жамиятнинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Жамият масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқишга оид ички ҳужжатлар ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқилади.

5. Агар Ходимлар ушбу Сиёсат бўйича маслаҳатларга муҳтож бўлса, шунингдек, улар Сиёсатни кимдир бузган деб ҳисоблашса, Комплаенс, ишлаб чиқариш ва молиявий хавфларни мониторинг қилиш департаментига, Жамиятнинг телеграм боти орқали (@UzAutoSanoat_compliance_bot) ёки ишонч телефонига +99878-140-76-70 ёки compliance@uzavtosanoat.uz манзилига орқали мурожаат қилиши мумкин. Жамият эҳтимолдаги қонунбузарликлар тўғрисида виждонан хабар берган шахсларга нисбатан ҳеч қандай таъсир ёки таъкиб чораларини мақбул кўрмайди.

6. Жамият ходимлари томонидан атайлаб ёлгон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

IX. ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

Мазкур Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тўғирланиши мумкин:

- мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

- самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Жамият фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.